

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O’RNI.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова,
ЎзР ФА Тарих институти,
таянч докторанти
Shahnozaabdurahimova373@gmail.com

1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ

For citation: Shakhnoza A.Abdurakhimova, REFLECTION OF THE HEALTH CARE SYSTEM OF THE UZBEK SSR IN THE APPEALS OF THE POPULATION IN 1985-1991. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.39-46

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ССР фуқароларининг 1985-1991 йилларда республика газеталарига юборган мингга яқин мактублари тадқиқ этилган. Аҳоли хатларнинг асосий қисми яъни 650 га яқинида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятдан, аҳолининг сифатсиз тиббий хизматдан, шифохоналардаги оғир шароитлар, аҳолининг дори-дармон воситалари билан таъминланишидаги муаммолар акс этилган. Мактубларни ўрганиш жараёнида, уларнинг Ўзбекистон ССР ҳудуди бўйича тақсимоти, тиббиёт хизматидан аҳолининг норозилик сабаблари, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, тиббиёт муассасаларининг фаолияти ва уларнинг тиббиёт ускуналари билан таъминланганлик даражаси, дори-дармон билан таъминланиши ҳамда уларнинг ҳудудий тақсимоти, тиббиёт ходимларининг этика ва деонтологияси шунингдек, тиббиётдан шифо топмаганларнинг экстрасенсларга мурожаатлари каби масалаларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилди.

Калит сўзлар: хатлар, мурожаатлар, соғлиқни сақлаш тизими, шикоятлар, мактублар географияси, шифокорлар ва кичик тиббиёт ходимлари, болаларнинг ўлими, тиббиёт муассасалари, экстрасенслар фаолияти.

Шахноза Абдурахимова Асатуллаевна,
докторант Института Истории АН РЎз

СИСТЕМА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ ССР В ОБРАЩЕНИЯХ НАСЕЛЕНИЯ В 1985-1991 гг.

АННОТАЦИЯ

В статье изучено около тысячи писем граждан Узбекской ССР, направленных в газеты республики в 1985-1991 годах. Основная часть писем населения, то есть по итогам 650, отражает деятельность системы здравоохранения, некачественное медицинское обслуживание населения, тяжелые условия в больницах, проблемы в обеспечении населения лекарствами. В процессе изучения писем особое внимание уделялось освещению таких вопросов, как их распространение на территории Узбекской ССР, причины

неудовлетворенности населения медицинской службой, охрана здоровья матери и ребенка, деятельность медицинских учреждений и уровень их обеспеченности медицинским оборудованием, обеспечение лекарствами и их территориальное распределение, этика и нравственность также особое внимание было уделено освещению таких вопросов, как обращения к экстрасенсам.

Ключевые слова: письма, обращения, система здравоохранения, жалобы, география писем, врачи и младший медперсонал, детская смертность, медицинские учреждения, деятельность экстрасенсов.

Shakhnoza A. Abdurakhimova,

PhD Researcher, Institute of History of the
Academy of Sciences of Uzbekistan

REFLECTION OF THE HEALTH CARE SYSTEM OF THE UZBEK SSR IN THE APPEALS OF THE POPULATION IN 1985-1991.

ABSTRACT

This article examines about a thousand letters of citizens of the Uzbek SSR which sent to the newspapers of the republic in 1985-1991. The main part of the letters of the population, i.e. the results of 650 reflects the activity of the health care system, poor health services, difficult conditions in hospitals, problems in providing the population with medicines. In the process of studying the letters, special attention was paid to covering such issues as their distribution on the territory of the Uzbek SSR, the reasons for the population's dissatisfaction with the medical service, the protection of mother and child health, the activities of medical institutions and the level of their provision with medical equipment, the provision of medicines and their territorial distribution, ethics and morality.

Index Terms: letters, appeals, health care system, complaints, geography of letters, doctors and Junior medical staff, child mortality, medical institutions, activities of psychics.

1. Долзарблги:

Фуқаро мурожаатлари (хатлар) ёхуд архивлардаги шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари асосида турли даврларда бўлиб ўтган ҳодисалар, воқеалар баёни ҳақида расмий манбаларда келтирилмаган маълумотларни ўрганиш имконини беради.[1]. Айнан шу сабабли, мақолада тадқиқот объекти сифатида фуқароларнинг хатлари танлаб олинди.

Мақоланинг даврий чегараси 1985-1991 йилларни қамраб олади. Ушбу йилларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, қайта-қуриш, ошкоралик шиори остида ўзгаришлар содир бўлганлиги билан белгиланади. Жумладан, расмий маълумотларга қўра, 1986-1987 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кенгашига фуқаролардан 50 мингга яқин ариза ва шикоят келиб тушган бўлса, 20 минг аҳоли раҳбарларнинг қабулида бўлганлар. 100 мингга яқин аҳоли пойтахтга келолмаганлиги сабабли, маҳаллий партия ва совет ҳокимияти аъзоларига шикоят билан мурожаат этишга мажбур бўлганлар. Ижтимоий ҳаётдаги қийинчиликлар туфайли, аёллар орасида кузатилган руҳий ҳолат сабабли 270 нафар қиз-аёллар жонига қасд қилиб, норозилик ифодаси сифатида ўзини ёқиб юборган. Бугунги кунда мазкур давр тарихини ёритиш ва унга ҳолис баҳо беришда нафақат сиёсий балки ижтимоий ҳаёт, жумладан соғлиқни сақлаш тизими муаммоларини тадқиқ этиш ҳам долзарб саналади[3].

Хатларни таҳлил этишда бир қатор илмий услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Энг аввало, уларнинг муаллифлик ва ҳудудий мансублик нуқтаи назардан тадқиқ этишда микро тарих усулларидан фойдаландик. Мактубларнинг сони, мазмуни ва ёзилиш сабабларини ўрганишда статистик, қиёсий таҳлил усуллари ҳамда тарихийлик, ҳолислик ва даврийлик тамойиллари асос қилиб олинди.

2. Ўрганилганлик даражаси:

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш тизими тарихига оид бир қанча илмий ишлар, тадқиқотлар олиб борилиб, кўплаб илмий мақолалар, диссертациялар ҳамда монографиялар чоп этилган.

Совет даврида чоп этилган И.М.Хайдаров[4], В.К.Хрипунов, М.Махмудов, Б.Х.Умирзоков, Ю.Шодиметов[5] илмий ишларида соғлиқни сақлаш соҳасини “қайта қуриш” сиёсатига мувофиқ ислоҳ қилиш, соҳада кейинги ўн йилликларда йиғилган муаммолар, соғлиқни сақлаш тизимини режалаштириш ва молиялаштириш борасидаги муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича баъзи таклифлар ҳамда тиббиёт мактабларининг йўқолиб бораётганлиги, илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти қониқарсиз даражада эканлиги, уларнинг фақатгина “услубий кўрсатмалар” ишлаб чиқиш билан чегараланиб қолаётганлиги илгари сурилган[6].

Мустақиллик йилларида бевосита тадқиқ этган мавзуимизга боғлиқ бўлган ишлардан А.Хазраткуловва Г.Э.Мўминоваларнинг докторлик диссертациялари ҳамда монографияларини келтириб ўтиш мумкин.

А.Хазраткуловнинг докторлик диссертациясида советлар даврида ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар билан бирга унинг салбий томонлари ва уларни келтириб чиқарган омилларни мустақиллик мафкураси талаблари асосида баён этишга ҳаракат қилган[7].

Г.Э.Мўминованинг докторлик диссертациясида 1917-1991 йилларга оид Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизими ҳолати тадқиқ этилиб, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги трансформацион жараёнлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган[8].

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Миллий архивида “Рўзномалар таҳририятига фуқаролардан келиб тушган мактублар тўплами” фонди ҳужжатларида аҳолининг турмуш тарзи, ҳошиш иродаси, жамият ҳаётида юз берган қайта қуриш жараёнларига бўлган муносабати, норозилик ёки аксинча миннатдорчилик муносабатлари акс этилган.

Мактубларнинг даврий чегараси 1985-1991 йилларга оид бўлиб, умумий ҳисобда соғлиқни сақлаш тизими фаолиятига оид бўлган мингга яқин хатлар таҳририятга келиб тушган. Ушбу хатларнинг 650 га яқини соғлиқни сақлаш тизими фаолиятдан, аҳолининг сифатсиз тиббий хизматдан, шифохоналардаги оғир шароитлар, аҳолининг дори-дармон воситалари билан таъминланишидаги муаммолар билан боғлиқ бўлган. Шулардан 125 нафар муаллиф соғлиқни сақлаш тизими фаолияти юзасидан миннатдорчилик хати юборган бўлса, 20 дан ортиқ тиббиётдан даво топмаган шахслар ўша даврда кенг тарқала бошлаган “Экстрасенслар” хизматидан кенг фойдаланганликларини кўришимиз мумкин.

1 жадвал

Мактубларнинг ҳудудий мансублиги

№	Вилоят	Хатларнинг г сони	Даврий нашрларнинг номи	Тил хусусияти кўра		
1.	Қашқадарё	229	“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”	Ўзбек	Рус	Тожиқ
2.	Андижон	115		85%	10%	0,01%
3.	Фарғона	103	“Совет Ўзбекистони”			
4.	Тошкент вилояти	79				
5.	Тошкент шаҳридан					
6.	Намангандан	60	“Ёш Ленинчи”			
7.	Хоразмдан					
8.	Самарканл	53				

9.	Сирдарё	30				
10.	Сурхандарё					
11.	Бухоро					
12.	Жиззах	10	“Авангард”			
13.	Навой					
14.	Қорақалпоқистон Автоном Республикаси					

Хатларни тадқиқ этиш жараёнида уларнинг Ўзбекистон ССР ҳудуди бўйича тақсимотиға, тиббиёт хизматидан аҳолининг норозилик сабаблари, соғлиқни сақлаш тизимининг қайси тармоғидан норозилиғи, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, тиббиёт муассасаларининг фаолияти ва уларнинг тиббиёт ускуналари билан таъминланганлик даражаси, дори-дармон билан таъминланиш, уларнинг ҳудудий тақсимои, тиббиёт ходимларининг этика ва деонтологияси ҳамда тиббиётдан шифо топмаганларнинг экстрасенсларга мурожаатлари каби масалаларни ёритишга тўхталиб ўтилди.

Жумладан, Тошкент вилояти, Тошкент туманида яшовчи Қодирова Заҳродан келган мактубда эса – Тошкент вилояти марказий шифохонасида беморлар учун шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиғи, иситиш тизимининг ишламаслиғи, ичимлик сувининг йўқлиғи, канализациянинг яхши ишламаслиғи келтириб ўтилган.

2 жадвал

1985-1991 йиллардаги аҳоли шикоятларининг миқдорий таҳлили

№	Шикоятнинг тури	1985	1986	1987	1988	1989	1990	1991
1	Шифокорларнинг лоқайдлиғи ва таъмағирлиғи юзасидан	5 та	8 та	17 та	26 та	20 та	18 та	20 та
2	Шифохоналарнинг шароити	2 та	5 та	16 та	22 та	12 та	10 та	15 та
3	Олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходимларининг билим савияси ва малакасида	1 та	4 та	25 та	28 та	22 та	28 та	12 та
4	Шифокорларнинг этика ва деонтологиясидан	3 та	16 та	33 та	29 та	29 та	12 та	18 та
5	Тез тиббий ёрдам фаолиятидан	12 та	25 та	23 та	15 та	18 та	22 та	20 та

Айрим ҳолларда касалхоналардаги оғир шароитлар беморларни нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлган. Масалан, Андижон вилояти, Кунчи қишлоғида яшовчи Расулов Қодиржоннинг хатида 8 ойлик фарзанди сариқ касал (гепатит) ташҳиси билан Андижон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилади. Аммо куз фаслигининг сўнгги оyi бўлишига қарамай шифохонада иситиш тизими ёқилмаган, хоналар совуқ, ойналардан совуқ шамол кириб турган. Натижада фарзанди зотилжам касаллигига чалиниб, бир ҳафтадан сўнг вафот этганлиғи тўғрисида маълумотлар келтирилган[14].

Даволаш профилактика ишларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Самарқанд вилоятида бир ёшгача бўлган болаларнинг фақатгина 46% гина шифокорларнинг тизимли назоратида эди. Наманганда эса, 1000 аҳолисига 2,3 педиатр шифокор, туманда эса 1,4 га тўғри келиб, умумий ҳисобда 58% ташкил этарди. Айрим туманларда янги туғилган чақалоқларнинг патронаж назорати номиганина олиб борилган, уларнинг касаллик варақалари тарихида аёлда хомиладорликнинг қандай кечганлиғи, туғруқ жараёнлари, боланинг асаб тизимининг ривожланиши каби ҳолатлар кўрсатилиб ўтилмаган, бу эса ўз навбатида болаларнинг соғломлаштирилишида рационал режаларни тузиш имконини камайтирарди.

Айрим туманларда хомиладор аёллар учун туғруқдан олдинги ёрдам ҳолати ҳам қониқарсиз бўлган. Самарқанд вилояти бўйича ушбу кўрсаткич 71% ни, Наманган вилояти бўйича эса таъминланганлик даражаси 65% ни ташкил этарди. Умумий олганда акушер-гинекологларнинг сони туманларда 1000 аҳолига 0,6ни, вилоятларда эса 1,2 ни ташкил қилибгина қолмай, уларнинг айримларида тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, билим-савиясининг қониқарсиз бўлмаганлиги, ҳамда афсуски, тамагирликнинг авж олганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, бундай ҳолатлар Самарқанд вилояти Паст-Дарғом тумани Чархил туғруқхонаси, Кашқадарё вилояти Китоб шаҳри марказий туғруқхоналари, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманлари ҳамда Хоразм вилояти Урганч шаҳри марказий шифохонаси туғруқхона бўлинмасида кузатилган. Ушбу ҳудудлардан йўлланган мактублар муаллифларининг таъкидлашларича бу ҳудудларда айрим шифокорларнинг лоқайдлиги, тамагирлик, тўғри муолажа олиб бормаслик каби иллатлар кенг тарқалган бўлиб беморларга ҳудди бир буюм сифатида қаралганлиги келтириб ўтилган[18].

Вилоятларда ёш болаларни ўз вақтида шифохонага олиб бормаслик ҳолатлари ҳам кўп кузатилган, аммо уйда даволаш учун қолдирилган болаларга ҳам сифатли тиббий ёрдам кўрсатилмаган. Хусусан, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, У.Юсупов номли мактаб ўқитувчиси Хусан Худойназаровнинг хатида “эскилик сарқитлари билан овора одамлар энг сўнгги чора сифатида касалхонага боришган” дея таъкидлаб ўтган.

Айрим, қишлоқ врачлик пунктларининг аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудлардан узоқроқда жойлашганлиги, транспорт воситаситаларининг етишмаслиги ёки бўлмаса 25 минг аҳолига биргина тез ёрдам машинасининг хизмат қилиши (агарда ёқилғи бўлсагина, айрим ҳолларда ёқилғи йўқ дея чақириққа бормаслик ҳолатлари ҳам кузатилган) ҳамда деярли аҳолининг кўп қисми кўп болали оила ҳисобланиб фарзандларнинг ўртача ҳисоби 5 нафардан 12 нафаргача бўлганлиги, улар ўртасидаги ёш эса асосан 1 йилни ташкил этганлиги туфайли уйдаги фарзандларини қолдириш имкони бўлмай аксар аёллар касалхонага бормаганлар. Натижада вилоят бўйича ушбу ҳолатдан кўз юмган болалар 48% ташкил этган. Бу даврда ёш болалар асосан зотилжам (пневмония) ҳамда ўткир юқумли касалликлардан вафот этганликлари кузатилади[19].

Албатта буларнинг барчаси аҳоли ижтимоий турмуш даражасининг пастли, айрим тиббиёт ходимларининг, малакали кадрларнинг етишмаслигидан далолат берарди. Вилоятда 10 минг аҳолига ўртача 3,3 педиатр тўғри келиб, бу республика бўйича 4,1% ташкил этган.

Шунингдек аёллар шифокорлари акушер-гинекологларнинг етишмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир, 10 минг аҳолига 1,6 мутахассис шифокор тўғри келган[20].

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар туфайли Самарқанд ва Сурхандарё вилоятларининг ўзидагина болаларнинг ўлим кўрсаткичи жуда юқори бўлган. Юқорида таъкидлаб ўтилган вилоятлар билан бир қаторда 1982-1985 йилларда Андижон, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоқистон АССР ҳамда Тошкент шаҳрида болаларнинг ўлими юқори бўлган. Тиббиёт муассасаларининг аксарият қисми етарлича тиббиёт ходимлари билан таъминланмаган.

Тиббиёт соҳасига янги техника воситаларини жорий этиш ва таъминлаш бўйича ҳам аҳоли томонидан газеталарга мурожаат йўлланган.

Биргина “Узи” апаратининг ўзигина XX асрнинг 80 йиллари ўрталарида кириб келган бўлиб, у ҳам фақатгина Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида бўлган. Сурхандарё вилояти Ангор туманида истиқомат қилувчи Эшмурадов Урал – ўзининг мактубида тиббий текширув апаратлари билан қишлоқ врачлик пунктлари, касалхоналарни таъминлашни йўлга қўйишда шанбалик ва хашарлар ташкил этилиб, улардан тушган пуллар эвазига ускуналарни ўрнатиш ва бутун республика бўйича ушбу ишларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида таклифини киритган[24]. Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи Мадумарова Н.нинг мактубида 28 ёшли, икки фарзанднинг онаси бўлмиш қизининг 8 ойдан бери шифокорлар томонидан ўт пуфаги ёки жигарида тош борлигини аниқлаша

олмаётганлиги, беморнинг аҳволи оғирлашишига қарамай, уларнинг Тошкентга йўлланма бермаётганлиги айтиб ўтилган[25].

Олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходимларининг малакаси ва этика-деонтологияси масалалари юзасидан ҳам шикоятлар келиб тушган. Бунда асосан аҳолининг кичик қатлами бўлган болаларга амбулатор-поликлиникалар томонидан тиббий ёрдам кўрсатишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд бўлган. Айниқса заиф-кучсиз бўлганлар гипотрофия, рахит ва бир ёшгача бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари етарли даражада амалга оширилмаган. Ёки бўлмаса болалар касаллиги паталогиясини яхши билмаган терапевт томонидан кўрикдан ўтказилган, бу эса кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига салбий таъсир этган. Вилоятнинг марказий шифохоналари айниқса қишлоқ шифохоналарида беморларни даволаш жуда ҳам паст даражада бўлиб, кўп ҳолларда асоссиз даво усуллари қўлланилган, аксарият шифокорлар етарли малака ва замонавий даволаш усуллари билмаганлар (Наманган вилояти Уйчи тумани, Тошкент вилояти Бўка тумани марказий шифохонаси). Айрим, шифокорлар томонидан дорилар айниқса бутун иттифоқ ҳудудида кам сонли ҳисобланган антибиотиклар нотўғри сарфланган.

Бемор А. Нишонов (Уйчи туман марказий шифохонаси терапия бўлими, касаллик тарихи варағи №1364) пневмония (ўпканинг чап қисми) касаллиги билан 34 кун давомида пенициллиннинг наф бермаётганлигига қарамай 3 млграмдан 3 маҳал инъекция юборилган, бундан ташқари 15 кун давомида керакли даволаш натижасига эришилмасада метицилин антибиотигидан даволашда фойдаланилган[26]. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўша вақтда болалар бўлинмасида антибиотиклар танқислиги кузатилган, натижада ота-оналарнинг ўзлари ушбу дориларни ташқаридан сотиб олганлар.

Шундай ҳолатлардан бири Уйчи тумани Машад қишлоқ шифохонасида даволанаётган бир ёшу бир ойлик Ибрагимова М.нинг фарзандида ҳам кузатилган. Унга ҳам пневмония ташҳиси қўйилиб, бир кунда 6 та томчи осма укол буюрилади, улардан 4 таси турли компонентли натрий хлор дори воситаси эди. Кетма-кет юборилган дориларнинг натижасида беморларда аналитический шок ҳолати кузатилади яъни дорилар реакция бериб юборади. Бундай ҳолатда кўпгина беморлар айниқса ёш болалар вафот этадилар.

Нотўғри даво қўллаш ва тиббиёт ходимларининг лоқайдлиги борасида ҳам танқидий мактублар мавжуддир. Хусусан, Андижон вилояти, Москва туманидан Ғуломқодированинг мактубида, 15 ёшли фарзандига осма укол қилиниб, ҳамшира назоратсиз қолдириб кетади. Натижада, беморда “аналитический шок” ҳолати кузатилиб, вафот этади[27]. Мана шундай ҳолатларнинг бири, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри марказий шифохонасида ҳам кузатилган. Хусусан, Тожиева Мухтабарнинг хатига асосан жияни 7 ойлик Умиджон баланд иситма билан Олмалиқ шаҳар марказий шифохонага олиб борилади. Аммо шифокорлар томонидан ўз вақтида назоратга олинмайди, ҳамширалар эса боланинг томирини тополмай 22 жойидан укол қилишга ҳаракат қиладилар. Кечки соат 00.00га борганда болада иситма 40 даражага кўтарилади, ҳамшира томонидан яна инъекция юборилади ва болада аналитический шок ҳолати кузатилади. Муаллиф томонидан Олмалиқ шаҳар марказий шифохонасида бир ойнинг ўзида 14 нафар ёш бола вафот этганлиги таъкидланган. Фарғона вилояти, Ўзбекистон райони юқумли касалликлар шифохонасида ҳам бундай ҳолатлар афсуски кузатилган. Ўша ҳудудда истиқомат қилувчи Сиддиқова К. ўз хатида 8 ойлик фарзандининг сариқ касал ташҳиси билан касалхонага ётқизилганлигини ҳамда ҳамшира томонидан осма укол қилиниб, назоратсиз ташаб кетганлиги, бунинг оқибатида эса беморнинг икки қўли кўкариб, шишиб кетади ҳамда болада аналитический шок ҳолати бўлади. Бемор вафот этади[28]. Таъкидлаб ўтиш жоизки, тадқиқ этилаётган даврда ёш болалар орасида ўткир юқумли касалликнинг кенг тарқалганлиги ва уларни даволаш чоралари юзасидан шикоят ортиб борганлиги кузатилади.

Ўша вақтда марказий шифохона бош шифокорининг ҳисоботига асосан, юқумли касалликлар шифохонасида сариқ касал билан касалланган беморлар сони ортиб кетади яъни битта даволовчи врачга 25 та беморнинг ўрнига 45та, ҳамширага эса 25 та беморнинг ўрнига 35 та бемор бириктирилганди. Беморларга шифокор томонидан буюрилган кўрсатмаларнинг

ўрта тиббиёт ходимлари томонидан тўлиқ бажарилмаганлик ҳолатлари ҳам кузатилган. Хусусан, Тўрақўрғон тумани марказий шифохонаси хирургия бўлинмасига 10 ойлик бола куйиш натижасида олиб келинади, аммо унга 8 кун давомида пеницилиндан ташқари ҳеч қандай муолажалар қилинмайди. Натижада, иккиламчи инфекцияга чалинади. Бундай ҳолатлар Заркент туманида ҳам кузатилган. Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани шаҳар болалар шифохонасида ҳам бундай ҳолатлар кузатилгандир. Хусусан, Қобилова Нодиранинг хатига асосан 8 ойлик фарзанди ич кетиш билан шифохонага ётқизилади. Шифокорлар бола бўлгандан кейин касал бўладида, йиғлайдида деб таъкидлашади. Ҳеч қандай таҳлил қилинмайди фақатгина иситма баландлашгандан сўнг ҳамширага ичаклар ювилиши буюрилади. Ҳамширанинг куч билан ичакни ювганлиги натижасида, аҳлат боланинг оғзидан чиқиб кетади. Боланинг аҳволи оғирлашиб, жонлантириш бўлимига ётқизилади. Муздек хонада, болани қаровсиз қолдиришади. Осма укол қилиб, назоратсиз ташлаб кетилади. Беморнинг таглари тозаланмайди. 3-4 кун шу аҳволда ётади. Сўнг аҳволи янада оғирлашиб, вафот этади.

Бир қатор иқтисодий муаммолар гирдобидида қолган Ўзбекистон ССР тиббиёти заиф ҳолатга келиб қолганди. Бунинг натижасида беморларга руҳий далда бериш орқали даволаш усули- экстрасенслар хизмати кенг тарқалди.

Иттифоқ доирасида Анатолий Кашпировский, Алан Чумак, Джуна, Юрий Лонго исмлари кенг омма ичида тарқалган бўлса, тадқиқ этган хатларимиз асосида Ўзбекистонда Тошкент шаҳридан Э.Холмухамедов, Халимхўжаев, Сурхандарё вилоятида фаолият юритган Юнус Кенжаевлар халқ табobati аълочили, телепотия устаси, контактсиз катакли массаж мутахассиси дея эътироф этилган экстрасенслар машҳур бўлганлигини кўриш мумкин. Архив фондида биргина Ю.Кенжаевнинг номига юборилган 20 якин хатлар сақланиб, уларнинг бирида хаттоки, Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида яшовчи 70 нафар одамлар имзолаган миннатдорчилик хати шулар жумласидандир. Аммо маълум вақтдан сўнг аҳоли бундай даволаш усулининг самарасизлигини ҳамда алдов, ўз-ўзини ишонтиришга қаратилган фаолиятдан бошқа ҳеч нима эмаслигини тушуниб етди. Хаттоки ўша даврларда сохта табиблар билан бир қаторда фолбинларнинг ҳам кўпайиб кетганлиги кузатилган.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқ этилаётган даврда республикада кечаётган “Қайта куриш” деб номланган иқтисодий, сиёсий инқироз туфайли соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар юзага келди.

Биринчидан соғлиқни сақлаш тизими, дунё тиббиётидан ҳар томонлама ортда қолган ва сифатсиз равишда фаолиятини олиб борган эди. Шунингдек тиббиёт таълим муассасаларининг 90% адабиёти ва таълим русс тилида олиб борилиши натижасида айрим кадрларнинг салоҳияти анча паст даражада бўлган. Чунки талабаларнинг аксар қисмида тил муаммоси мавжуд эди;

Иккинчидан шифохоналарнинг кўпайиши, даволаш жойлари, шифокорлар ҳамда кичик тиббиёт ходимлари сонининг ортиши, тизимнинг ривожланганлигидан эмас аксинча республикада турли касалликлар сонининг айниқса ўткир юқумли касалликларнинг ортиб борганлигидан далолатдир;

Учинчидан шифохоналарнинг кенг миқёсда қурилиши, шифокорлар сонининг ортиши беҳуда маблағларнинг сарфланишига олиб келди. Бундай ҳолат албатта тиббиёт сифатига салбий таъсир ўтказди. Чунки, бир қатор касалхоналар, айниқса, вилоят ва қишлоқлардагилари зарур тиббиёт асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланмаган хаттоки тўртдан бир қисми марказлаштирилган сув таъминотида ҳам эга эмасди;

Тўртинчидан тиббиёт обрўли касблардан ҳисобланмай қолди, соҳанинг 70%ни аёллар ташкил этарди. Шифокорларнинг иш ҳаққи ўртача ойлик маошининг 70% ташкил этарди. Иш ҳақининг камлиги айрим тиббиёт ходимларининг ўз касбига, меҳнатига нисбатан етарли мотивацияни таъминламади, уларнинг бефарқлиги, лоқайдлиги ҳамда айрим шифокорларнинг соҳани тарк этишига, айримларининг эса умуман ўз фаолиятини чет давлатларда давом эттиришига олиб келди.

Бешинчидан даволаш ўринларининг ортиши ҳамда у ерда беморларни узок муддатларга ушлаб турилиши (даволаш самарасиз бўлишига қарамай), касалхоналарга давлат томонидан кунлик маблағнинг ажратилиши билан боғлиқ бўлган;

Олтинчидан ҳудудий тамойилга асосланган хизмат кўрсатиш беморнинг шифокорни эркин танлаш имкониятидан маҳрум қилганди. Яъни йўлланма берилмагунича бемор бир вилоятдан иккинчи вилоятнинг шифохонасига келиб, даволана олмаган.

Умуман олганда республикадаги иқтисодий, экологик ва маънавий инкироз, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, таъмагирлик ва коррупцияни авж олиши, аҳоли орасида турли касаликлар, оналар ва болалар ўлими сонининг йилдан йилга ошиб боришига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. XX асрнинг 85-91 йиллардаги тиббиёт тизимидаги муаммолар кейинги чорак асрда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Иқтибослар/ Сноски/References:

- [1] Baranov A. A. Protection of mothers and children at the present stage: problems and ways to solve them // Soviet health care, 1989, No. 3.-P.3-6.
- [2] Inatov M.N. Letters of Uzbeks to official organizations as a historical source (20-30s of the XX century). Candidate's dissertation abstract.T., 2003. -P.16.
- [3] Khaidarov I.M., Khripunov V.K. The problems of restructuring medicine and healthcare. Ed. Prof. A.R. Rakhimdzhanova. -T.: Medicine, 1988. Page 9. [4] Khazratqulov A. Social problems of Uzbekistan and ways of their solution: specifics, experience, perspectives (1971-1991gg.). T., 1993. p-20-25.
- [5] Makhmudov M., Umirzakov B.Kh. Healthcare of Uzbekistan.-T.: 1991. Pages 39-42.
- [6] Muminova G.E. History of the healthcare system in Uzbekistan (1917-1991). Tashkent. "New edition" .- 2015. p181 .
- [7] Shodimetov Y. Scientific and technical progress, lifestyle and health.-T., Uzbekistan, 1987. P15.
- [8] Usmanov K., Sadikov M. History of Uzbekistan (1917-1991). Textbook. The main editorial office of the publishing and printing joint-stock company "Sharq" Tashkent - 2011.-P. 204.
- [9] Vyalkov A.I, Mirsky M.B, Shchepin V.O. The main directions of development of treatment and preventive care for the population // Health of Russia XX century / Ed. Yu.P. Lisitsyna, M.E. Putin, I.M. Akhmetzyanov. Kazan: Ed. Center "Personnel of Russia XX century", 2006. p- 66-150.
- [10] www.meduza.ru. Everything was the best in the USSR. Not really. The main myths about the "golden age" of the late Soviet Union.
- [11] Zaretskiy Yu. P. Strategies for understanding the past. Theory, history, historiography. M., 2011. p 242.
- [12] National Archive of Uzbekistan. Fund 2806, list no. 1, collections no. 24,28,32,36,52,54,158, 102,103.
- [13] National Archive of Uzbekistan. Fund 2454, list no. 6, collections no. 3945, 4252.
- [14] National Archive of Uzbekistan. Fund 2582, list no. 1, collections no. 3945, 3946, 3947.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000